

Тилга эътибор - элга эътибор



Мамлакатимизда давлат тилига алоҳида эътибор қаратилиб, миллий қадрият сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида, Термиз туман ҳокимининг маҳаллалар кесимида тасдиқланган режа асосида туман ҳудудидаги тадбиркорлик субъектлари пештоқидаги ёзувларни ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Ана шундай тарғибот ишлари туман ҳокими, 1-сектор раҳбари Шухрат Назаров, вилоятдан туманга бириктирилган вакил - вилоят Солиқ бошқармаси бошлиғи Эркин Нармановлар иштирокида бўлиб ўтди.

Унда турли ташкилотларининг кириш пештоқидаги ёзувлар ўзбек адабий тили мейўрлари асосида ёзилмагани ва бир қанча хато ва камчиликка тўхталиб, тил қоидаларига амал қилиш бўйича топшириқлар берилди.